



HAMZA TUMAN HOKIMYATI
TADBIRKORLIK SUB'EKTLARINI
RO'YXATDAN O'TKAZISH
INSPEKTSIYASI
RO'YXATGA OLINDI
2011 y « 09 » o3 № 003474-07

«TURON ABRASIVE»
масъулияти чекланган жамияти
таъсисчисининг

2011 йил « 3 » « август » даги
« 1 » - сонли қарорига асосан
ТАСДИҚЛАНГАН:

TURON ABRASIVE

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИАТИ

УСТАВИ

Ўзбекистон Республикаси
2011 йил

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. Таъсисчи (Қатнашчи) амалдаги конунчиликка асосан, Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар туғрисида»ги, конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида масъулияти чекланган жамиятни (кейинги ўринларда "Жамият" деб юритилади) ташкил этди.

Қуйидаги шахс Жамиятнинг қатнашчиси ҳисобланади:

• **Тохтаходжаев Махсум Мухтарович:**

паспорти: СА 2270919, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани ИИБ томонидан, 19.05.2006 йилда берилган; манзили: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Т.Тула кўчаси, 28-уй, 48-хонадон.

1.2 Жамиятнинг тўлиқ номи:

Тулик:	қискартирилган:
« TURON ABRASIVE »	« TURON ABRASIVE »
Масъулияти чекланган жамияти	М Ch J

1.3. Жамиятнинг юридик ва почта манзили: *Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Ахсикат кўчаси, 176-уй.*

1.4. Жамиятнинг фаолият мuddати чекланмаган.

2. ЮРИДИК МАҚОМИ.

- 2.1. Жамият конунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси конунларига ва Уставга амал қилади.
- 2.2. Жамият ўзига тегишли бўлган мол-мулкка эгаллик қилади. фойдаланади ва тасарруф этади. Жамият ўз мулкига нисбатан конунга зид келмайдиган ҳар қандай хатти-харакатларни амалга ошириш, мол-мулкдан конунларда тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик ёки бошқача фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланишга ҳақлидир. Жамият ўз номидан шартномалар тузиши, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни сотиб олиши, мажбуриятларни ўз зиммасига олиши, судда, хўжалик судида ва ҳакамлик судида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.
- 2.3. Қатнашчилар Жамият мол-мулки таркибига кирадиган объектларга, шу жумладан, Устав жамғармасига омонат сифатида киритилган объектларга алоҳида ҳуқуқларга эга бўлмайдилар.
- 2.4. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган мол-мулк ва активлари билан жавоб беради, бундай мол-мулк ва активлар Ўзбекистон Республикасининг конунларига биноан қарзлар ҳисобига ундириб олиниши мумкин.
- 2.5. Давлат, унинг органлари ва ташкилотлари Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Жамият ҳам давлат, ҳам унинг органлари ва ташкилотларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Жамият қатнашчилари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар. Жамият қатнашчиларни, ўзларнинг Устав жамғармасидаги омонатлари доирасида жавобгар бўладилар.
- 2.6. Жамият ўз номи курсатилган муҳрга ва туртбурчак тамғасига, товар белгисига ва бошқа реквизитларга эга бўлади.
- 2.7. Ўзбек, рус тиллари Жамиятнинг расмий тиллари ҳисобланади.

3. ЖАМИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН МАҚСАД ВА УНИНГ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ.

3.1. Жамият Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хизматлар кўрсатиш ва қўшимча ишчи ўринларини яратиш, Жамиятнинг ёлланма ходимлари ва қатнашчиларнинг ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини кондириш мақсадида ташкил этилади.

3.2. Қуйидагилар Жамият фаолиятининг асосий турлари ва йўналишлари ҳисобланади:

• **Абразив материаллар, сунъий олмос ва улардан асбоблар ишлаб чиқариш саноати;**

- Умуммашинасозликда қўлланиладиган буюмлар ишлаб чиқариш;
- Металл қирқувчи дастгоҳлар ишлаб чиқариш;
- Ёғочни қайта ишловчи ускуналар ишлаб чиқариш;
- Металл ва ёғочга ишлов берувчи асбобларни ишлаб чиқариш;
- Ҳисоблаш техникаларини таъмирлаш ва марказлашган ҳолда хизмат кўрсатиш;
- Компютерлар ва ҳисоблаш техникасини таъмирлаш, сотиб олиш ва сотиш;
- Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш;
- Чакана савдо фаолиятини амалга ошириш;
- Муррақаб маиший, савдо-саноат ускуналари ва бошқа техникани монтаж қилиш, таъмирлаш, ишга тушириш ва тузатиш;



- Умумқурилиш ишларини амалга ошириш;
- Қурилиш, қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
- Қурилиш молларини ишлаб чиқариш;
- Қуриш, монтаж қилиш, қуриш-таъмирлаш, созлаш-ишга тушириш бўйича ишларни ташкил қилиш;
- Қурилиш молларини сотиш фаолияти;
- Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш;
- Қурилиш материалари ва конструкциялари ишлаб чиқариш;
- Темирдан ҳар хил металконструкциялар ишлаб чиқариш, ясаш, монтаж қилиш, қурилишдаги метал буюмларни ишлаб чиқариш;
- Полимер транспорт таралари ишлаб чиқариш;
- Хўжалик совунлари ва бошқа ёғли ювувчи воситаларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Нашриёт саноати, полиграфия хизматлари, визиткалар, таклифномалар тайёрлаш, нотали қоғозлар чиқариш ва офсет рангли нашриётлар, ҳарф тернш, фототерувчи типографияларни яратиш;
- Лизинг, ижарага бериш хизматлари, кўчар ва кўчмас мулкни харид қилиш, ижарага бериш ва ижарага бериш шаҳобчаларини ташкил қилиш (транспорт, маиший техникани, ДВД, СД-дисклар, видео-аудиокассеталар);
- Интернет кафелар ташкил этиш;
- Дастурли таъминлашни ишлаб чиқиш, тадбир қилиш, таъминлаш ва сотиш;
- Нон-булка, кандалотчилик, гушт-сут, вино маҳсулотлари, курук мевалар, мураббололар, ичимликлар ва шарбатларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Озиқ-овқат, нонвойчилик ва қандолатчилик маҳсулотларини, хайвон ва ўсимлик мойларини, салқин ичимликлар ва музқаймоқ сут-гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Фармацевтика маҳсулотлари учун ярим тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Озиқ овқат маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотларини ҳамда алкоголь ичимликлари, тамаки маҳсулотларининг чакана савдоси;
- Тиббий ускуналарни ишлаб чиқариш сотиб олиш ва сотиш;
- Табiiй газни қайта ишлаш;
- Юк ташиш бўйича хизматларни ва миждозларнинг буюртмасига қараб, бошқа. транспорт – назоратли хизматларини кўрсатиш;
- Юридик ва жисмоний шахсларга қурилиш, қурилиш-монтаж, қурилиш-таъмирлаш, йўл-қурилиши (асфальт ётқизиш) йўллари таъмирлаш ва созлаб ишга тушириш ишларини амалга ошириш;
- Хом-ашё биржасида брокерлик фаолияти билан шугулланиш;
- Электр-маиший техникани созлаш;
- Турли электр жиждозларини таъмирлаш, сотиш ва ишлатиш;
- Фермерлик, чарвачилик, паррандачилик ҳамда, кишлоқ хўжалиғи фаолияти билан шугулланиш;
- Қўриқлаш хизмати;
- Савдо-харид ва воситачилик ишларни амалга ошириш;
- Тижорат дўконлари тизимини ташкил қилиш;
- Турли хилдаги дурадгорлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- Рассомлик – безатиш ишлари;
- Ностандарт спорт жиждозларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Қимматбаҳо метал ва тошлардан заргарлик буюмларини ясаш, тайерлаш, сотиш;
- Кўчар ва кўчмас мулкларни харид қилиш, ижарага бериш;
- Авиа ва авто транспорт хизматларини кўрсатиш;
- Турли кўринишдаги ўқувчилик анжомларини ишлаб чиқариш;
- Товарларни экспорти ва рэкспорти, импорти билан шугулланиш;
- Типография соҳасини ташкил қилиш ва буюртмалар асосида ишлаб чиқариш;
- Турли хил кўринишдаги қурилиш молларини ишлаб чиқариш;
- Нефтни қайта ишлаш ва ундан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- Электр таъмирлаш ва бошқа маҳсул қурилиш таъмирлаш ишларини амалга ошириш ;
- Божхона омборларни, бож олинмайдиган савдо дўконларни ва эркин омборларни таъсис этиш, божхона брокерлик ва божхона ташувчиси хизматларини кўрсатиш;
- Божхона декларант хизматларини кўрсатиш;



- Ахоли ва ташкилотларга транспортнинг барча туридаги бўлган транспорт хизматларини кўрсатиш (такси);
- Инновация, спонсорлик, маиший-хужалик, транспорт ишлари (юк ташиш) ва бошқа хизмат ишларини ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда темир йўл, сув, хаво, автомобил йўллари ҳамда бошқа транспорт воситалари юк ташувларини ташкил этиш;
- Товарлар ва хизматлар экспорти ва реэкспорти бўйича муомалаларни амалга ошириш;
- Товар ва хизматлар импорти бўйича муомалаларни амалга ошириш;
- Мулк (шу жумладан, кўчмас мулк) ва ускуналарни сотиш ва ижарага бериш;
- Юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини Ўзбекистон Республикасида ва чет элда химоя қилиш;
- Газ ва нефть АЁКТ қуриш, уларни монтаж қилиш, қуриш-таъмирлаш, созлаш-ишга тушириш ва фойдаланишга топшириш бўйича ишларни ташкил этиш;
- Лойиха-конструкторлик ва илмий, тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш;
- Саноат ва бизнесга оид ҳамда ижтимоий-маданий-маиший ўринларда фойдаланиладиган бино ва қурилмаларни лойихалаштириш, уларни қуриш, таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш;
- Ишлаб чиқаришга оид илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- Ишлаб чиқаришга илмий-техник, конструкторлик лойиха ишланмаларни киритиш, уларни жорий этишда техникавий ёрдам кўрсатиш;
- Илмий-тадқиқот, кидирув, лойиха ва тажриба ишлари олиб бориш;
- Пардозлаш, шу жумладан, лок-бўёқ материаллари ишлаб чиқариш;
- Автомобилларга техник ёрдам кўрсатиш жойлари очиш ва автосервис ташкил этиш;
- Автомобиль ювиш ва кимёвий тозалаш;
- Машина ва кишлоқ хўжалик техникасини эхтикет қисмларини сотиш;
- Автосалонлар очиш, сервис хизматлар кўрсатиш, автомобил, бино, алоқа воситалари, нусха кўчириш, кўпайтириш ва бошқа тур техникаларни ижарага бериш;
- Ижарага бериш шохобчаларини ташкил қилиш (транспорт, маиший техникани, видео-аудиокассеталар);
- Маиший хизматни ташкил қилиш;
- Сартарошхоналар, кир ювиш шохобчалари, кимёвий тозалаш шохобчаларини ташкил қилиш;
- Косметика ва массаж (укалаш) кабинетлари очиш;
- Чет тилларини ўрганишни ташкил қилиш;
- Менежмент, маркетинг, консалтинг, инженеринг, лизинг ва дилерлик операциялари;
- Молия ёрдамини кўрсатиш, кредит, займ ва ссудалар бериш шу билан биргаликда хайрия фаолиятини олиб бориш;
- Хисоблаш техникасини бутловчи қисмлардан йиғиш;
- Ўт ўчириш автоматикаси, қўриқлаш, ёнғинга қарши ҳамда ёнғин хавфли ҳақида хабар бериш ва қўриқлаш сигнализацияси воситаларини лойихалаштириш, таъмирлаш, монтаж қилиш, созлаш ва уларга техник ёрдам кўрсатиш;
- **"НОУ-ХАУ"** технологик линияларини сотиб олиш;
- Реклама ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш;
- Тикув трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш;
- Оёқ кийим таъмирлаш ва тикиш;
- Иккиламчи кийим - кечакларни сотиб олиш ва сотиш;
- Модалар уйини очилиши;
- Инвестиция дастурларида иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудда ва хорижда кишлоқ хўжалик маҳсулотлари, чорвачилик, енгил саноат, саноат-қурилиш, халқ истеъмоли молларини қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш жойлари ва қўшма корхоналар тузишда иштирок этиш;
- Саноат ишлаб чиқаришидан келиб чиқадиган чиқинди ва маиший чиқиндаларни йиғиш, сотиб олиш, қайтадан ишлов бериш ва ярим тайер маҳсулот сифатида сотиш;
- Ўзбекистон Республикаси конунларига мос равишда нашр ишлари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш;
Жамият амалдаги конунчиликка мувофиқ, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.



3.3. Жамият фаолиятининг кайсидир бир турини амалга ошириш учун давлат органларининг рухсатномасини (лицензиясини) олиш зарур бўлса, бундай фаолият тури мана шундай рухсатномани (лицензияни) олгунга қадар амалга оширилмайди.

4. ШУЪБА КОРХОНАЛАРИ ВА АЛОХИДА БЎЛИНМАЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.


- 4.1. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида жорий ва ҳисоб-китоб ҳисоб варақларини очиш ҳуқуқига эга бўлган шуъба корхоналарини, филиалларни, ваколатхоналарни, бўлимлар ва бошқа алоҳида бўлинмаларни ташкил этишга ҳақлидир.
- 4.2. Шуъба корхоналари Жамиятнинг олий бошқарув органи тасдиқлайдиган Устав ёки низомлар асосида иш олиб боради.

5. УСТАВ ЖАМҒАРМАСИ.

- 5.1. Жамиятнинг Устав жамғармаси (Устав капитали) унинг қатнашчилари улушларининг белгиланган қийматидан ташкил қилинади.
- 5.2. Корхона фаолиятини таъминлаш учун мулкдорнинг бўлинмайдиган молиявий ва моддий улушларидан иборат бўлган, қиймати **32 221 000 (ўттиз икки миллион икки юз йигирма бир минг)** сўмлик мол-мулк, ускуна ва дастгоҳлар кўринишида Устав фонди киритилади.
- 5.3. Қатнашчининг Устав жамғармасига қўйган омонатлари қуйидагилардан иборат:
- **Тохтаходжаев Махсум Мухтарович : 100% - 32 221 000 (ўттиз икки миллион икки юз йигирма бир минг)** сўмлик қуйидаги жанвалда келтирилган мол-мулк, ускуна ва дастгоҳлар кўринишида киритади:

№	Мол-мулк номи	Сони	Баҳоси	Суммаси
1.	Иссиқ пресслаш линияси	1	2 500 000	2 500 000
2.	Иссиқ пресслаш линияси учун комплект қисмлар	1	375 000	375 000
3.	"1к62" русумли токарлик дастгоҳи (аввал ишлатилган)	1	2 500 000	2 500 000
4.	"1д20" русумли махсус токарлик дастгоҳи (аввал ишлатилган)	1	2 500 000	2 500 000
5.	"6м12п" русумли махсус вертикал фрезерлик дастгоҳи (аввал ишлатилган)	1	3 000 000	3 000 000
6.	Механик арра	1	1 500 000	1 500 000
7.	Токарлик дастгоҳи	1	1 250 000	1 250 000
8.	Токарлик дастгоҳи	1	3 000 000	3 000 000
9.	Фрезерлик дастгоҳи	1	2 950 000	2 950 000
10.	Гидравлик пресс ускунаси	1	2 800 000	2 800 000
11.	Токарлик дастгоҳи	1	2 500 000	2 500 000
12.	Абразив кукуни	7,1 тонна	500 000	3 500 000
13.	Ишлатилган, синган абразив доиралар	44 тонна	50 000	2 200 000
14.	Пульвер бакелит кукуни СФП	2,66 тонна	600 000	1 596 000
Жами:			32 221 000	

5. Жамиятнинг Устав жамғармаси қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатини ўтказилгандан кейин бир йил мобайнида шакллантирилади. қатнашчилар томонидан Жамият рўйхатдан ўтказилган санага Жамиятнинг Устав жамғармасининг **30 %** -дан кам бўлмаган миқдорда омонат қўйилган бўлиши керак. Жамиятнинг ҳар бир қатнашчиси Жамиятни давлат рўйхатдан ўтказиш олдин Устав жамғармасига 30%-дан кам бўлмаган миқдорда омонат қўйиш шарт.
- 5.5. Жамиятнинг ҳар бир қатнашчиси бир йил мобайнида Жамиятнинг Устав фондига (Устав капиталига) ўз хиссасини тўлиқ киритиши керак.
- 5.6. Жамиятнинг ўз омонатини тўлиқ киритган қатнашчисига қимматли қозғалар тоифасига кирмайдиган гувоҳнома берилади.
- 5.7. Жамиятнинг қатнашчилари ва Жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан Жамиятнинг Устав фондига қўшилаётган пулсиз хиссаларнинг пул баҳоси Жамият қатнашчилари умумий йиғилишининг Жамиятнинг барча қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади.
- 5.8. Устав фондига хисса сифатида Жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мулкнинг муддат ўтгунча қадар ушбу мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилган тақдирда, Жамиятнинг мол-мулкни берган қатнашчиси Жамиятнинг талабига биноан унга шундай мол-мулкдан шунга ухшаш шартларда қолган муддат мобайнида фойдаланганлик учун туланадиган ҳақиқа тенг пул товони тўлаши шарт.
- 5.9. Пул товони Жамият томонидан уни бериш талабномаси тақдим этилган вақтдан эътиборан, бир ой ичида бир йўла тўланиши керак.
- 5.10. Жамиятнинг чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган қатнашчиси томонидан берилган мол-мулк, у қанча муддатга берилган бўлса, шунча муддат давомида Жамият фойдаланишида қолаверади.
- 5.11. Жамиятнинг Устав жамғармаси Жамият фаолиятдан олинадиган фойда ҳисобига, зарур бўлганда унинг қатнашчиларининг Устав жамғармасидаги улушларига мутаносиб равишдаги қўшимча бадаллари ҳисобига ёки қатнашчиларнинг ўзаро келишувига кўра бошқа тартибда, қўшимча қатнашчиларни жалб қилиш йўли билан қўпайтирилиши мумкин.



- 5.12. Жамиятнинг Низом жамғармасини кўпайтирилиши Жамият мулки ҳисобидан, ҳамда қатнашчилар ва Жамиятга қабул қилинаётган учинчи шахсларнинг қўшимча киритилган омонатлари ҳисобидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.
- 5.13. Фақат рўйхатдан ўтказиш вақтида белгиланган тўлов миқдори тўлиқ туланган ҳолда, Жамиятнинг Устав жамғармаси оширилиши мумкин.
- 5.14. Жамият қатнашчиларини Умумий Йиғилиши қарори билан Жамиятнинг Устав жамғармаси оширилади. қарор кўпчилик овоз билан, яъни умумий сондан 2/3 қисмини ташкил қилган овоз билан қабул қилинади.
- 5.15. Жамиятнинг Устав фонди кўпайтирилганда Жамият барча қатнашчилари улушларининг миқдорлари узгармаган ҳолда улар улушларининг номинал қиймати мутаносиб равишда кўпаяди.
- 5.16. Агар ҳиссалар кушишнинг Жамият қатнашчиларининг умумий Йиғилиши томонидан белгиланган муддати ўтганидан кейин, белгиланган қўшимча ҳисса бир еки бир неча қатнашчиси томонидан тулик еки қисман қушилган бўлмаса, умумий Йиғилиши:
- қўшимча ҳиссалар умумий қийматининг дастлабки белгиланган миқдорини Жамият қатнашчиларининг Устав фондидаги улушини тегишлича узгартириб, амалда қушилган ҳиссаси миқдorigа қадар улар амалда қушган қўшимча ҳиссаларни ҳисобга олган ҳолда қамайтириш тугрисида;
 - қўшимча ҳиссалар умумий қийматининг дастлабки белгиланган миқдорини Жамият қатнашчиларининг Жамият Устав фондини қўпайтириш тугрисидаги олдинги Йиғилиши қарори билан белгиланган улушларини сақлаб қолиш имкониятини берадиган миқдоргача қамайтириш тугрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Бу ҳолда Жамият ун қўнлик муддат ичида олдинги Йиғилиш қарори билан белгиланган Устав фондидаги Жамият қатнашчиларининг улушлари ошиб кетишига олиб келган уша қушган пул ҳиссаларини Жамият қатнашчиларига қайтариши шарт.
- 5.17. Жамият уз Устав жамғармасини қамайтириши мумкин. Лекин унинг миқдори рўйхатдан ўтказиш вақтида қонунчиликда белгиланган минимал миқдоригача қамайтириши мумкин эмас.
- 5.18. Жамиятнинг барча қатнашчиларининг улушларини белгиланган қийматини қамайтириш йули билан Устав жамғармасини қамайтирилиши амалга оширилади. Бунда қатнашчиларнинг улушлари улчамлари сақланиши лозим.
- 5.19. Жамият қатнашчилари Умумий Йиғилиши қарори билан амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият Устав жамғармасини қамайтирилиши амалга оширилади.

6. ҚАТНАШЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 6.1. Жамият қатнашчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- ушбу Уставда назарда тутилган тартибда Жамиятни бошқаришда қатнашиш;
 - ушбу Уставда назарда тутилган ҳажмда ва шаклларда Жамият фаолияти натижаларида қатнашиш;
 - Жамият фаолияти, унинг мол-мулки, фойдаси ва зарарлари ҳақидаги тулик ахборотни олиш;
 - Жамият фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва унинг фойдасини қўпайтиришга қаратилган таклифларни қатнашчилар Йиғилишининг қуриб чиқиши учун тақдим этиш;
 - Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида Жамият қатнашчилари таркибидан чиқиш.
- 6.2. Жамият қатнашчиси узининг Жамиятнинг Устав жамғармасидаги улушини (улушининг бир қисмини) бошқа қатнашчиларнинг розилиги билан Жамият қатнашчисига (бир неча қатнашчиларга) ёки учинчи шахсларга бериши еки сотиши мумкин. Жамиятнинг бошқа қатнашчилари қўнатирилган улушини (улушининг бир қисмини) сотиб олишда узларининг Устав жамғармасидаги омонатига мутаносиб равишда сотиб олиш юзасидан имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.
- 6.3. Агар Жамият қатнашчиларига мурожаат этилган пайтдан бошлаб уттиз кун мобайнида Жамиятнинг барча қатнашчиларидан бирортасидан розилик олинган бўлса, еки Жамият қатнашчиларининг бирортасидан розилик беришга эзма раддия олинган бўлмаса, Жамият қатнашчиларининг розилиги Жамиятнинг Уставада Жамиятнинг Устав фондидаги улушдан (улушнинг бир қисмидан) воз кечиш деб ҳисобланади.
- 6.4. Жамият қатнашчисининг улуши тулик тулангунга қадар булган даврда у фақат туланган қисми буйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.
- 6.5. Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, Жамиятнинг Устав фондидаги улуш (улушнинг бир қисми) очик қим ошди савдоси орқали сотилганда, мазкур улушнинг (улуш бир қисмининг) олувчиси Жамиятнинг еки унинг қатнашчиларининг розилигидан қатъий назар Жамиятнинг Қатнашчисига айланади.
- 6.6. Қатнашчининг улушини (улушнинг бир қисмини) учинчи шахсларга бериши фақат Жамиятнинг бошқа қатнашчиларининг манфаатлари қўнатирилганидан кейин мумкин бўлади. Бундай ҳолда, учинчи шахс унинг ҳуқуқий вояси бўлиб қолади.




- 6.7. Уз улушини (улушининг бир кисмини) учинчи шахсга сотиш ниятида булган Жамият катнашчиси улуши сотиладиган бахони ва бошка шартларни курсатган холда бу ҳақда Жамиятнинг колган катнашчиларини ва Жамиятнинг узини езма равишда хабардор қилиши шарт.
- 6.8. Жамият Устав фондидаги улушдан (улушнинг бир кисмдан) бошка шахснинг фойдасига воз кечиш оддий езма шаклда амалга оширилиши керак.
- 6.9. Конунчиликда назарда тутилган холларда, Жамият катнашчисининг талабига биноан Жамият унга карашли улушни (улушнинг бир кисмини) олишга мажбур. Бундай холда Жамият ушбу улушни бир йилдан куп былмаган муддатда бошка катнашчиларга ёки учинчи шахсларга бериши шарт. Ана шу давр мобайнида фойданинг таксимланиши, шунингдек, олий органда овоз берилиши ва қворумнинг белгиланиши Жамият сотиб олган улушни ҳисобга олмасдан утказилади.
- 6.10. Жамият катнашчисининг улушни (улушнинг бир кисмини) Жамиятга утиш вақтидан, конунчиликда назарда тутилган холларда, Жамият узининг катнашчисига бу улушнинг (улуш бир кисмининг) ҳақиқий қийматини тулаши шарт.
- 6.11. Катнашчининг Жамият катнашчилари таркибидан чиқиб кетишида унга қуйидагилар туланади:
- мол-мулкнинг унинг Устав жамгармасидаги омонатига мутаносиб равишдаги бир кисмининг қиймати. Тулов суммаси катнашчининг Жамият таркибидан чиқиб кетиш кунидан олдин булган охириги ҳисобот даври учун қилинган бухгалтер ҳисоботи маълумотлари буйича аниқланади. Курсатилган сумма Жамият таркибидан чиқиб кетаётган катнашчиси ва Жамият қелишувлари буйича табиий мулк тарзида булиш мумкин;
 - Жамиятга қелиб тушган фойдадан катнашчисига тегишли қисми, катнашчи Жамият таркибидан чиқиб кетмасдан олдин.
- Жамият таркибидан чиқиб кетган катнашчисининг қийматини тулаш ва шу қийматда булган табиий мулкни бериш жамоа улушига утган кундан бошлаб ярим йил муддатда амалга оширилади. Жамият таркибидан чиқиб кетган катнашчига фойда қисми чиқиб кетган кундан бошлаб ярим йил давомида туланади.
- 6.12. Жамият фаолиятининг амалга оширилиши учун катнашчилар Таъсис шартномаси моддаларида айтиб утилган уз мажбуриятлари билан бир қаторда уз зиммаларига яна қуйидагиларни қабул қилади:
- Устав жамгармасига қушимча бадалларни катнашчиларнинг Йигилиши қарорларида назарда тутилган миқдорда, шаклда ва тартибда киритиш;
 - Жамиятга нисбатан белгиланган тартибда уз зиммасига олган мажбуриятларни ижро этиш;
 - Жамият фаолияти ҳақидаги махфий ахборотларни ошкор этмаслик;
 - Жамиятга унинг фаолиятини амалга оширишида ёрдам курсатиш.
- 6.13. Жами улушлари Жамият Устав фондининг камида ун фоизини ташкил этадиган Жамият катнашчилари уз мажбуриятлари купол бузаётган ҳуд уз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан Жамиятнинг фаолият курсатишига имкон бермаётган еки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган катнашчини Жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

7. ФОЙДАНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ВА ЗАРАРЛАРНИНГ ҚОПЛАНИШИ.

- 7.1. Жамиятнинг ҳужалик фаолияти натижасида оладиган даромади давлат бюджети билан ҳисоб-китоблардан сунг Жамият катнашчиларининг тасарруфида қолади. Катнашчилар Йигилиши эълон қилган ва тасдиқлаган ҳамда Жамият тасарруфида қоладиган фойда йилнинг ҳар чорагида Жамиятнинг Таъсис шартномаси ва Уставига мувофиқ Жамиятнинг ривожлантирилиши манфаатлари ва унинг катнашчиларининг манфаатларини қондириш учун таксимланади.
- 7.2. Фойданинг таксимланадиган қисми Жамият катнашчиларига амалдаги конунларга мувофиқ Жамият катнашчилари Йигилиши белгиланган тартибда ва муддатларда туланади.
- 7.3. Жамиятнинг Жамият катнашчилари уртасида таксимланадиган фойдаси қисмини аниқлаш туғрисидаги қарор Жамият катнашчиларининг умумий Йигилиши томонидан қабул қилинади.
- 7.4. Ҳужалик фаолияти натижасида тушган даромад (фойда) Жамиятнинг захира жамгармасини ташкил қилиш учун фойдаланилиши мумкин.
- 7.5. Жамият фаолияти мобайнида қурилиши мумкин булган зарарлар уз маблаги ёки қарзга олинган маблағлар, захира жамгармасини ёхуд жамият катнашчиларининг қушимча бадаллари ҳисобидан қопланади.
- 7.6. Жамият зарур булганида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигида ва хорижий валютада тижорат шартлари асосида олинган кредитлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

8. ЖАМИЯТНИНГ БОШКАРУВ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ.


- 8.1. Қуйидагилар Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ҳисобланади:
- Катнашчилар Йигилиши;
 - Бошқаришнинг яққа турдаги ижроия органи;
 - Тафтиш комиссияси.



- 8.2. Катнашчилар Умумий Ингилиши Жамиятнинг олий бошқарув органи ҳисобланади. Жамият катнашчилари Ингилишда узларининг Устав жамгармасидаги улушларига мутаносиб равишда овозлар сонига эга буладилар.
- 8.3. Мабодо, катнашчилар Ингилиши аъзоси катнашчилар Ингилиши мажлисида иштирок эта олмайдиган булса, унда у мажлисда катнашиш учун уз вакилини тайинлаш ҳуқуқига эга. Вакилнинг ваколатлари Жамият катнашчиси берган ишончнома билан тасдиқланиши лозим. Жамият катнашчисининг вакилига берилган ишончнома конун талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ва нотариал тартибда тасдиқланган булиши керак. Катнашчининг вакили катнашчилар Ингилишида Жамиятнинг бошқа катнашчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланади.
- 8.4. Жамият катнашчилари, Ижроия органи, Тафтиш комиссияси раиси ва юридик шахслар ҳисобланадиган алоҳида булинмалар раҳбарлари Ингилишда қуриб чиқиш учун масалаларни киритиш ҳуқуқига эга булади.
- 8.5. Катнашчилар Ингилиши Жамият фаолиятининг ҳар қандай масалалари юзасидан қарорлар қабул қилишга ҳақлидир.
- Катнашчилар Ингилишининг ваколатларига қуйидагилар қиради:
- Жамиятнинг Таъсис ҳужжатларига узгартиришлар ва қушимчалар киритиш;
 - Жамият фаолиятининг асосий йуналишларини белгилаш, унинг режаларини ва режаларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;
 - Жамият Устав жамгармаси миқдорини узгартириш;
 - Жамият тузилишини белгилаш;
 - Жамиятнинг ижроия органларини ташкил қилиш ва уларнинг вазифаларини муддатдан олдин тугатиш;
 - Жамиятнинг тафтиш шайъатини сайлаш ва вазифаларини муддатдан олдин тугатиш;
 - Жамият вазифалари ва функцияларини бажариш учун зарур бошқа органларни ташкил этиш;
 - Катнашчиларнинг қушимча бадалларни киритиши миқдори, тартиби ва муддатларини белгилаш;
 - Фойдани тақсимлаш, зарарларни қоплаш тартибини белгилаш;
 - Жамият филиаллари ва ваколатхоналарини, шунингдек, бошқа алоҳида булинмаларини ташкил этиш ва фаолиятини тухтатиш билан боғлиқ масалалар;
 - Узок муддатли кредитларни олиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;
 - Жамият мансабдор шахсларини мулкӣ жавобгарликка тортиш ҳақида қарорлар чиқариш;
 - Жамиятнинг, шу жумладан, унинг алоҳида булинмалари фаолиятининг йиллик натижаларини тасдиқлаш;
 - Йиллик ҳисоботлар ва тафтишларга доир ҳулосаларни тасдиқлаш;
 - Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
 - Жамиятнинг русум-қоидалари ва бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлаш;
 - Жамият ижроия органи меҳнатига ҳақ тулаш шартларини белгилаш;
 - катнашчининг чиқиб кетиши, Жамият фаолиятининг тугатилиши билан боғлиқ масалаларни қуриб чиқиш;
 - Жамиятни қайта ташкил этиш еки тугатиш тугрисида қарор қабул қилиш;
 - Тугатиш комиссияси таркибини белгилаш, унинг аъзоларини тайинлаш ва чақириб олиш ва яқунловчи ҳисоботни тасдиқлаш;
 - Аудитор текширувини утқазтиш, аудитор ташкилотни ва хизмат ҳаққини максимал миқдорини аниқлаш тугрисида қарор қабул қилиш;
 - Бошқа тижорат ташкилотларнинг бирлашмаларида иштирок этиш ҳақида қарор қабул қилиш;
 - Жамият томонидан облигацияларни жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилиш;
 - конунчиликда белгиланган бошқа масалаларни ечими.
- Қуйидаги масалаларни ҳал этишда Ингилишда катнашчиларнинг учдан икки қисмининг овозлари талаб қилинади:
- Устав жамгармаси миқдорини узгартириш ҳақида қарорлар чиқариш.
 - Жамиятни ривожлантириш ва унинг фаолиятининг асосий йуналишларини белгилаш;
 - Қуйидаги саволлар ечилишида Жамият катнашчиларнинг бир овозлиги шарт:
 - Жамиятнинг Таъсис ҳужжатларига узгартиришлар ва қушимчалар киритиш;
 - Жамиятни қайта ташкил этиш еки тугатиш тугрисида қарор қабул қилиш;
- Қатнашчилар Ингилиши бошқа барча масалалар юзасидан Жамият катнашчиларининг оддий қупчилик овози билан қарорлар қабул қилади.
- Овоз беришда овозлар сони тенг булган ҳолда, Мажлис раиси қушимча овозга эга. Раис Мажлис аъзоларидан сайланади 3 йил муддат билан.



- 8.6.** Жамият катнашчилари умумий Йигилишининг мутлак ваколатлари жумласига киритилган масалалар, конунчиликда назарда тутилган холларни истисно этганда, унинг томонидан Жамиятнинг ижро этувчи органи хал этиши учун топширилиши мумкин эмас.
- 8.7.** Катнашчилар Мажлиси зарурат туфайли бир йилда бир мартабадан кам булмаган холда йигилиш утказди. Жамият катнашчиларининг мазкур умумий йигилиши молия йили тугагандан кейин кечи билан олти ой ичида утказилиши керак.
- 8.8.** Катнашчилар Мажлиси Жамиятнинг ижроия органи телеграмма, факс, буюртма-хат еки хабарча оркали чакирилади. Албатта кун тартиби курсатиб утилади. Катнашчилар Мажлиси йигилиши буладиган санаси 4 хафта олдин эълон килиниши лозим. Молия йили тугагандан кейин 6 ойдан кечиктирмасдан.
Жамиятнинг исталган катнашчиси Жамият катнашчилари умумий Йигилишининг кун тартибида кушимча масалаларни киритиш тугрисида уни утказишдан камида ун беш кун олдин таклифлар киритишга хаклидир.
- 8.9.** Навбатдан ташкари Мажлис умумий овозлар сонидан 1/10 кисмини ташкил этувчи овозларга эга былган Жамият катнашчиси хамда тафтиш хайъати талабларига асосан ижроия органлари билан чакирилади.
Жамиятнинг катнашчиларнинг наватдан ташкари умумий Йигилиши зарур холларда Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан унинг ташаббусига биноан чакирилиши мумкин.
- 8.10.** Жамиятнинг катнашчилари наватдан ташкари умумий Йигилиши тартиби конунчиликка мувофик утказилади.
- 8.11.** Жамиятнинг катнашчилари умумий Йигилишининг карори сиртдан овоз бериш йули билан (суров йули билан) кабул килиниши мумкин.
Сиртдан (суров йули билан) овоз бериш тартиби конунчиликка мувофик утказилади.
- 8.12.** Жамиятнинг жорий фаолиятига рахбарликни Жамият ижроия органи ушбу Уставда белгиланган тартибда амалга оширади.
Жамият ижроия органи катнашчилар Йигилишининг карорига биноан бир йил муддатга тайинланади ва Устав ва Йигилиш карорларида белгиланган ваколатлар ва хукуклар доирасида Жамият фаолиятига рахбарлик килади.
- 8.13. Жамият ижроия органи:**
- катнашчилар Йигилишининг карорларининг тайёрланиши ва бажарилишини ташкил этади ва уларнинг бажарилиши хакидаги хисоботларни такдим килади;
 - Жамият мол-мулки, шу жумладан, пул маблагларидан катнашчилар Йигилишида белгиланган доирада тасарруф этади;
 - Жамият номидан ишончномасиз шартномалар (контрактлар) тузади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;
 - Жамият ходимларини лавозимларга тайинлайди, ишдан бушатади, намуна курсатган ходимларни рахбатлантиради, интизомий жазолар беради. Жамият ходимлари мехнатига хак тулаш шартларини белгилайди;
 - Ушбу Уставдан келиб чикадиган бошка функцияларни бажаради;
 - Жамият фаолиятининг хамма масалалари юзасидан ушбу Уставда белгиланган ваколатлар доирасида ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар билан муносабатлар юритишда ишончномасиз вакил булади.
- Ижроия органи Жамият фаолиятининг катнашчилар Йигилишининг фавкулудда ваколатларига киритилмаган бошка хамма масалалари юзасидан карорлар кабул килишга хаклидир.
- 8.15.** Жамиятнинг молия ва хужалик фаолияти устидан назоратни Тафтиш комиссияси юритади.
Тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари катнашчилар Йигилиши томонидан уч киши - Раис ва икки аъзо таркибида 3 йил муддат билан тайинланади. Тафтиш комиссияси уз фаолияти быйича катнашчилар Йигилиши олдида жавоб беради ва унга утказилган тафтишлар буйича хисоботларни, шунингдек, йиллик хисоботлар ва аудиторлик текширишлар далолатномалари буйича хулосаларни такдим этади.
Жамият катнашчиси булмаган шахс Тафтиш хайъати аъзоси булиши мумкин. Якка турдаги ижроия органининг вазифаларини бажарувчи шахс Тафтиш хайъати аъзолари булиши мумкин эмас.
- 8.16.** Жамиятнинг молиявий-хужалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг ташаббусига, катнашчилар умумий Йигилишининг, Жамият катнашчилари умумий овозлари сонининг жами камида кундан бир кисмига эга булган Жамият катнашчиларининг талабига биноан бир йиллик еки бошка давр учун фаолият якунларига кура амалга оширилади.
Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан ижро органи, шунингдек Жамиятнинг ходимлари огзаки еки езма шаклда зарур тушунтиришлар беришлари шарт.
Катнашчилар Йигилиши аъзоларининг мажлисига келиши билан боглик хизмат сафари ва транспорт харажатлари Жамият томонидан зарур хужжатлар асосида копланати.



9. ЖАМИЯТ ХУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ЖАМИЯТ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ВА БОШКА ШАХСЛАРГА АХБОРОТ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ.

- 9.1.** Куйидаги хужжатларни Жамият фаолият пайтида сақлаши ва фаолияти тухтатилгандан кейин архив ташкилотларга топшириши шарт:
- Жамиятнинг таъсис хужжатлари, шунингдек Жамиятнинг таъсис хужжатларига киритилган ҳамда белгиланган тартибда руйхатдан утказилган узгартиришлар ва кушимчалар;
 - Жамият муассислари Йигилишининг Жамиятни ташкил этиш ва Жамиятнинг Устав фонди (устав капиталига) кушиладиган пулсиз хиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тугрисидаги қарорни уз ичига олган баенномаси;
 - Жамият давлат руйхатидан утказилганлигини тасдиқловчи хужжат;
 - Жамиятнинг уз балансида турган мол-мулкка булган ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатлар;
 - Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тугрисидаги низомлар;
 - Жамиятнинг облигацияларини чикариш билан боғлиқ хужжатлар;
 - Жамият катнашчилари умумий Йигилишларининг, Жамиятнинг ижро органи ва тафтиш комиссияси мажлисларининг баенномалари;
 - Жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг ҳулосалари;
 - конун хужжатларида назарда тутилган бошка хужжатлар.
- Жамият хужжатларни узининг ижро органи жойлашган ерда еки Жамият катнашчиларига маълум булган ва улар учун қулай булган бошка жойда сақлайди.
- 9.2.** Жамият катнашчисининг, аудиторнинг еки исталган манфаатдор шахснинг талабига биноан Жамият уларга Жамиятнинг таъсис хужжатлари билан, шу жумладан унга киритилган узгартишлар билан танишиш имкониятини бериши шарт.
- 9.3.** Жамият катнашчисининг талабига биноан Жамият унга Жамиятнинг таъсис шартномаси ва Устави нусхаларини бериши шарт.

10. МАҲФИЙЛИК.

- 10.1.** Жамият катнашчиларининг ҳар бири бошка томондан олган тижорат, молиявий ахборотларни катъий махфий ҳолатда сақлайди ва унинг ошқор этилмаслиги учун барча зарур чораларни куради.
- 10.2.** Махфий ахборотларнинг учинчи шахсларга берилиши, эълон қилиниши ёки бундай ахборотнинг бошқача тарзда ошқор қилиниши фақат бошка катнашчиларнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Жамият катнашчилари махфий ахборотларни учинчи шахсларга уларни бундай ахборотни билиш талаб этиладиган биргаликдаги фаолият юритишга жалб қилганда, лекин фақат зарур ҳажмда очишга ҳақлидир.

11. МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ, БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИ ВА ХИСОБОТ.

- 11.1.** Жамиятнинг молиявий фаолияти йиллик молиявий режалар асосида амалга оширилади. Таквимий йил молиявий йил ҳисобланади.
- 11.2.** Оператив бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисобот Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигида, зарур бўлганда эса хорижий валютада ҳам юритилади.
- 11.3.** Ҳар бир молиявий (таквимий) йил тугаганидан сунг Жамият ижроия органи катнашчилар Йигилишига Жамиятнинг иктисодий фаолияти ва молиявий аҳволи ҳақидаги йиллик ҳисоботни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигидаги ва хорижий валютадаги йиллик балансни ҳамда фойдалар ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботни такдим этади.
- 11.4.** Жамиятнинг иктисодий фаолияти ва молиявий аҳволи ҳақидаги йиллик ҳисобот, шунингдек, йиллик баланс, фойдалар ва зарарлар ҳақидаги ҳисобот Тафтиш комиссиясига ва Жамият Йигилиши аъзоларига такдим этилади.
- 11.5.** Жамият катнашчиларининг ҳар бири Жамият фаолияти ҳақидаги ҳар қандай маълумотлар ва ахборотларни олиш ҳуқуқига эга. Жамиятнинг молиявий фаолиятини таҳлил қилиш учун мустақил аудиторлар (аудит фирмаси) томонидан бир йилда бир марта текшириш ўқазилади.
- 11.6.** Жамият катнашчиларга уларнинг Жамият фаолияти тугрисида сураган ҳар қандай ахборотни такдим қилиши шарт.

12. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТНИ ТЎХТАТИШ ВА ТУГАТИШ.

- 12.1.** Жамият фаолиятининг тухталиши унинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши шаклида амалга оширилади. Жамиятнинг қайта ташкил этилишида унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари унинг ҳуқуқий ворисларига ўтади.

Жамият куйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

- суднинг қарорига кура;
- катнашчилар Йигилишининг қарорига биноан;
- Жамият фаолиятига тегишли конунлар ва қоидаларда Жамиятнинг фойда олиб фаолият курсатишига жиддий таъсир қиладиган узгартиришлар юз берганида;
- амалдаги конунларда назарда тутилган бошка шартлар асосида.



Жамият уни реестрдан учирилган вақтидан бошлаб ёки у жойлашган мамлакатдаги конунларда назарда тутилган бошка санадан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларини йукотади.

- 12.2. Жамиятни тугатиш учун катнашчилар Йигилиши 3 аъзодан иборат тугатиш комиссиясини тайинлайди.
- 12.3. Тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади ва уни тасдиқлаш учун Жамият катнашчиларининг Йигилишига тақдим этади.
- 12.4. Жамиятнинг тугатилиши амалдаги конунчиликка мувофиқ амалга оширилади.
- 12.5. Мажбуриятлар ва қарзлар узилганидан сунг қолган мол-мулк ва пул маблағлари катнашчилар уртасида уларнинг Жамиятнинг тугатиш балансига биноан белгиланган Устав жамғармасидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.
- Юридик шахс ҳисобланадиган таркибий булинма фаолиятининг тугатилиши ҳам Жамиятнинг уз фаолияти тугатилгани каби тартибда амалга оширилади.

13. ЖАМИЯТ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕХНАТИГА ХАК ТУЛАШ ВА ИЖТИМОЙ КАФОТЛАРИ.

- 13.1. Жамият ходимлар меҳнатиغا ҳақ тулаш, моддий раҳбатлантириш шакллари ва миқдорларини, уларни ёллаш ва бушатиш масалаларини ва бошка меҳнат шарт-шароитларини Ўзбекистон Республикаси конунларида назарда тутилган фуқаролар ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда мустақил белгилайди.
- 13.2. Жамиятда ишлайдиган Ўзбекистонлик фуқароларнинг иш ва дам олиш режими, уларнинг ижтимоий таъминоти ва ижтимоий сугуртаси Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади.


14. СУГУРТА.

- 14.1. Жамиятнинг мол-мулки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунларига мувофиқ сугурта қилиниши мумкин.
- 14.2. Зарур бўлганида Жамиятнинг таваққалчиликлари сугурта қилиниши мумкин.


15. УСТАВНИНГ КУЧГА КИРИШИ.

- 15.1. Ушбу Устав конунда белгиланган тартибда давлат руйхатидан утказилган вақтдан бошлаб кучга қиради.

Тоҳтаходжаев Махсум Мухтарович:

Имзо 

Тоҳтаходжаев Махсум Мухтарович



Ўзбекистон Республикаси
Административ-территориал
бошқаруви

Маълумот



Handwritten signature in black ink, appearing to be a stylized name or set of initials.

